

A decorative border in a light blue color, featuring intricate floral and scrollwork patterns that frame the entire page.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ—
ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тошкент — 2007

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ— ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2007

78.342 (5 Ў)

Ҳ 87

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	Н.Алаутдинова
Муҳаррир	Ҳ.Маматраимова
Масъул муҳаррир	О.Қиличбоев
Матн терувчи	З.Жалилова

Инсон ҳуқуқлари — олий кадрият: Метод.- библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова; Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.- Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.- 40 б.

КБК 78.342 (5 Ў)+67.404

Ушбу методик-библиографик қўлланма 10 декабрь Инсон ҳуқуқлари куни муносабати билан тузилган. Қўлланмадан инсон ҳуқуқлари бўйича дастлабки ва энг зарур маълумотлар жой олган ва кутубхона, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган. Қўлланмадан кутубхоначилар ва ҳуқуқ соҳасига қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2007 йил.

СЎЗ БОШИ

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи шартлардан бири — инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндошганлиги ҳамда унинг амалга ошиши учун қандай шарт шароитлар яратилганлиги билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида янги ўзбек миллий ҳуқуқий тизими тубдан шаклланди. Ўзбекистон парламенти Конституция, 14 та кодекс ва 300 ортиқ қонунларни қабул қилди. Натижада, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилди, инсон ҳуқуқларига оид қонунлар тизими барпо этилди.

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши лозим.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг биринчидан қонуний, иккинчидан ташкилий, учинчидан тарбиявий ва тўртинчидан халқаро-ҳуқуқий асослари яратилган.

1. Аввало, инсон ҳуқуқлари тўғрисида асосий қонун нормалари қабул қилинди.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқларига бағишланган Иккинчи умумжаҳон анжуманининг тавсияларига кўра, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Бу тизимга Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази киради.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тарбиявий асосларини ташкил этади. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча мактаб ва олий ўқув юртлирида «Инсон ҳуқуқлари» курси ўқитила бошланди.

4. Жаҳон ҳамжамятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қирқдан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилди ва улар бўйича ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилишга қаратилган юздан ортиқ қонунлар тизими яратилди. Бу қонунлар фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига оиддир. Улар жумласига таълим, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, адвокатура, нотариат, сиёсий партиялар, нодавлат ноtijорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий мажлис вакили (Омбудсман) тўғрисидаги қонунлар, Оила, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекслар кирази.

Инсон ҳуқуқларига амал қилишни таъминловчи воситалардан бири — ҳар бир кишининг ўз ҳуқуқларини яхши билиши, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгининг юқори даражада шаклланиши ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари кунни муносабати билан тайёрланган мазкур қўлланмадан кутубхона, АҚМ ва АРМ ходимлари инсон ҳуқуқларига бағишлаб ўтказиладиган оммавий тадбирларни тайёрлашда фойдаланишлари мумкин.

Тадбирларни ҳуқуқшунос олимлар, юридик ўқув юртлари педагоглари, прокуратура, суд, адвокатура, ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказиш тавсия этилади.

Жаҳон миқёсида инсон ҳуқуқларининг ўрни

Ўз тараққиёти даврига қараб инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларни учта босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган.

Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тез ривожланган. Бунга мисол тариқасида АҚШ конституциясига киритилган биринчи ўнта қўшимча — Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллни кўрсатиш мумкин. Бу даврда шахс эркинлиги ва дахлсизлиги, хусусий мулк ва сайлов

ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларни тартибга солишга алоҳида эътибор берилган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тараққиётининг иккинчи босқичи XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда социалистик ғоялар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунлар тез суръатда ривожланган. Меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият касб этган.

Франция ва Швециядаги социал қонунлар, 1920 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946 йилги Конституциялари бунга яққол мисол бўла олади.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунларнинг янги тизими шаклланди.

Бу даврга келиб инсон ўзининг кимлигини англаб, онгини, билимини ошириш ва ўз эркинликларига ҳурмат билан қарашни талаб қила бошлади. Мамлакатлар орасида эса инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига қанчалик риоя этилаётганлиги ва ҳурмат қилинаётганлигига қараб, шу мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги обрўси ва унинг бошқа давлатлар билан муносабатлари белгилана бошланди.

1948 йилда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» қабул қилинди. Бу Декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилиниб, XX асрда жуда бир муҳим давр бошланганини, инсон ҳуқуқларини поймол этиб келган, шахснинг қадр-қимматини ерга урган, бутун халқларни эзиб, эркин тараққиёт ҳуқуқларидан маҳрум этган тоталитар тузумлар, диктаторлик режимларни йўқотиш учун кураш бошланганлигини кўрсатади.

БМТ Уставининг муқаддимасида: «Биз, Бирлашган Миллатларнинг халқлари, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, инсон шахсининг қадр-қиммати, эркалар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқларига ҳамда катта ва кичик миллатларнинг ҳуқуқий тенглигига ишончимизни яна бир қарра тасдиқлаб, БМТ Уставини қабул қилишга ва БМТни тузишга қарор қилдик» дейилган. 1945 йилда қабул қилинган Уставдаги бу сатрлар бугунги кунда ҳам амалда қўлланилиб, тўлдирилиб борилмоқда.

Декларацияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни тўрт гуруҳга ажратиб таснифлаш мумкин.

Биринчи гуруҳга элементар ҳуқуқ ва эркинликлар киради. Булар: яшаш, эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи (3-модда); кулликдан эркин бўлиш ҳуқуқи (4-модда); азобларга ёхуд шавқатсиз, ноинсоний ёки ўзининг қадр-қимматини хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслик ҳуқуқи (5-модда); қонун олдидан тенглик (7-модда); одил судловнинг процессуал кафолатларига оид қатор ҳуқуқлар (8-11 моддалар).

Иккинчи гуруҳга фуқаровий ҳуқуқлар киради: шахснинг ҳуқуқ соҳиби эканлигини тан олинишига бўлган ҳуқуқи (6-модда); давлат ҳудудида эркин ҳаракат қилиш ва турар жойни эркин танлаш ҳуқуқи (13-модда), сиёсий бошпана сўраш ҳуқуқи (14-модда); фуқароликни олиш ҳуқуқи (15-модда); никоҳга кириш ва оила қуриш ҳуқуқи (16-модда), мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (17-модда).

Учинчи гуруҳга сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар киради: фикрлаш, виждон, дин эркинлиги (18-модда); эътиқод ва уни баён этиш эркинлиги (19-модда); тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмаларга бирлашиш эркинлиги (20-модда); мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи (21-модда).

Тўртинчи гуруҳга иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, яъни меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи, тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи (22-28 моддалар).

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси — инсоннинг барча оила аъзоларининг ажралмас ва бузилмас ҳуқуқларини эълон қилган асосий ҳужжат. Бу ҳужжатнинг асосий вазифаси унда қайд этиб ўтилган барча ҳуқуқ ва эркинликларни ялписига ҳам самарали тан олиш ва риоя қилишни таъминлашдаги куч-ғайратларида ҳамма халқлар ва давлатлар ўз зиммаларидаги бурч деб билишларидадир. Декларация — жаҳондаги барча давлатлар қайси ижтимоий тузумда яшашидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига амал қилиб, унинг бажарилишини кўрсатади.

БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидан кейин яна уч ҳужжат: «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро

пакт (халқаро битим), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт, сўнгги пактга факультатив протокол қабул қилинди. Бу ҳужжатга 1976 йилдан амал қилина бошланди ва халқаро ҳуқуқий муносабатларда Билл (қонун) деб атала бошланди.

Республикамиз Конституциясида инсон ҳуқуқлари

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик хусусиятларидан бири — инсонга бўлган муносабат, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам кўпгина мамлакатлар тарихий ривожланиш жараёнида инсон ҳуқуқларига оид ўз қонунлар тизимини яратган.

Барча мамлакатлар қатори мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳам асосий мақсади ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Ана шу мақсадда у мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ инсон ҳуқуқларига оид қонунлар тизимини яратиш йўлидан борди.

Инсон ҳуқуқларига оид қонун 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Бош қонуннинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган.

Конституциянинг 18-моддасида Республикамиздаги барча фуқароларнинг тенглигини эътироф этиб шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдир». Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинишида Умумжаҳон ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўрганиб чиқилганлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, инсон ҳуқуқларига оид иккинчи бўлимида халқаро ҳуқуқ нормалари мужассамлашгандир. Масалан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига

эга» дейилган бўлса, Ўзбекистон Конституциясининг 25-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга” дейилади.

Шундан кўриниб турибдики, мамлакатимиз Конституциясида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари эътироф этилган. Шу билан бирга Конституция ва бошқа қонунларимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида ўзига хос хусусиятлар ҳамда анъаналар ҳисобга олинган.

Республикамизнинг ўзига хос хусусияти ва анъаналари эътиборга олинган ҳолда Конституциямизда демократик ва инсон ҳуқуқларига оид кўйидаги муҳим қоидалар мустаҳкамланган.

1. Демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш — бу давлат мажбуриятидир.

2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги.

3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ ғоясининг, назариясининг эътироф этилиши.

4. Ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги.

5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши.

6. Фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши.

7. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларини бузмаслик зарурлиги.

Шу билан бирга Республикамизнинг Конституцияси инсонга кенг қўламдаги ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга, унга маълум мажбуриятлар ҳам юклайди. Асосий конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча муҳим соҳаларини ўз ичига олади. Лекин, унинг бошқа хилдаги ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини батамом қамраб олмайди. Инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва унинг мажбуриятлари инсон ҳуқуқларига оид бошқа қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғриси-

даги қонунда Республика фуқароларининг давлат билан сиёсий ҳуқуқий муносабатларини, бу муносабатлар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ифодалашда аниқ ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида мамлакатимиз фуқаролигини олиш ва уни тўхтатиш қоидалари, ота-оналар ҳуқуқлари, бурчлари, болалар ҳуқуқи, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашда ташкилотларнинг ва давлат идоралари тизими, уларнинг вазифалари, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиши ва бошқа шу каби масалалар ўзининг ҳар томонлама демократик ечилиmini топган.

Хулоса қилиб айтганда Конституция ва инсон ҳуқуқларига оид барча қонунлар ҳар бир инсон учун, ҳаётий зарур бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида мужассамлаштириб мустақил давлатимизнинг буюк келажак сари одимлаб боришга асос бўлиб хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг ҳақида тушунча

Ҳар қандай ҳуқуқ, шу жумладан инсон ҳуқуқлари инсоннинг биологик моҳияти билан эмас, балки унинг ижтимоий моҳияти, муайян жамият аъзоси эканлигидан келиб чиқади.

Франция буржуа инқилобининг 1789 йилги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси» табиий ҳуқуқ мактаби ғояларидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларига баҳо берган. Декларацияда инсонга икки жиҳатдан изоҳ берилади: бир томондан алоҳида олинган инсон, одам тарзида, иккинчи томондан фуқаро, яъни бирон бир жамиятнинг, сиёсий-ижтимоий гуруҳнинг аъзоси сифатида тавсифланади.

Шунга биноан, Декларация «Инсон ҳуқуқлари» ва «Фуқаро-нинг ҳуқуқлари»ни белгилаб берган. Инсон ҳуқуқлари қаторига инсоният жамиятига қўшилгунга қадар ҳолатидаги ҳуқуқлари йиғиндиси киради.

Фуқаронинг ҳуқуқи деганда эса, инсон сиёсий жамиятга қўшилгандан кейин эга бўладиган ҳуқуқлари тушунилади.

Г.Гроций, Б.Спиноза, Дж.Локк, Ш.А.Монтескье, Т.Жеферсон ва бошқа кўплаб ҳуқуқшунос, файласуф олимлар табиатдан келиб чиқиб, ҳар бир кишига яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи тегишлидир, деб таъкидлайдилар. Мазкур мутафаккирлар бўлажак янги давлат моделини ишлаб чиқиб, унда ҳар бир фуқаро эга бўлиши лозим бўлган асосий сиёсий ҳуқуқлар кўламини ҳам белгилаб бердилар. Бу ҳуқуқлар «Фуқаронинг ҳуқуқлари ёки фуқаровий ҳуқуқлар» номи билан юритиладиган бўлди.

Сиёсий ҳуқуқлар ёки фуқаровий ҳуқуқлар фуқаронинг давлат билан бўладиган ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар йиғиндисидир. Шундай қилиб, буржуа давлатлари қарор топаётган даврда инсон ҳуқуқлари деганда инсоннинг табиий ҳуқуқлари, фуқаронинг ҳуқуқлари деганда эса ҳуқуқ, яъни давлат томонидан яратилган ҳуқуқлар тушуниладиган бўлди.

Француз Декларацияси инсон ҳуқуқлари қаторига эркинлик, мулк, хавфсизлик ва зулмга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқларини киритади; фуқаронинг ҳуқуқларига эса фуқаронинг давлат-сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятларини берувчи ҳуқуқлар, давлат ҳамжамиятининг ўзбошимчилигидан муҳофаза этувчи ҳуқуқлар, шахснинг дахлсизлигини таъминловчи ҳуқуқларни киритади.

Инсон ҳуқуқларининг ўзи нималардан иборат деган саволга БМТ томонидан нашр этилган «Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар» деб аталган рисолада қуйидагича жавоб берилган: «Инсон ҳуқуқлари, уларсиз ҳаёт кечириш мумкин бўлмаган, бизнинг барча инсоний, туғма ва табиий ҳуқуқларимиздан иборатдир».

«Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар, бизга ўз истеъдодимиз, ақл, виждонимиздан мукамал суратда фойдаланиб, ўзимизнинг барча маънавий ва жисмоний эҳтиёжларимизни қондириш учун имконият беради»*.

Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишида ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти катта. Жамиятда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тақозо этади.

* Инсон ҳуқуқлари: Саволлар ва жавоблар. -Т.,1997.-Б.17.

Ҳуқуқий маданият кенг маънога эга бўлиб, давлат томонидан ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя этишдаги ҳулқи, муносабатини билдиради. Умуман маданиятли ва маданиятсиз шахс бўлганидек, одамлар ҳуқуқий маданиятли, ҳуқуқий маданиятсизларга бўлинади. Ҳуқуқий маданиятли бўлиш учун қонун меъёрларини билиш шарт эмас, унга риоя этиш, қонун асосида иш тутиш лозим. Айрим ҳуқуқ нормаларини мукамал биладиган шахслар ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарликка тортиладилар. Улар ҳуқуқий билимли бўлганлари билан ҳуқуқий маданиятдан узоқдирлар.

Демак, ҳуқуқий маданият шахснинг онгли равишда ҳуқуқий нормаларга риоя қилиши, ўз ҳулқ-атвори билан, ўрнатилган тартиб қоидага бўйсунуши десак бўлади.

Ижтимоий ҳаётни ҳуқуқий тартиб доирасида тутиш тўғрисидаги тушунчалар тизими ижтимоий онг шакли-ҳуқуқий онг бўлиб ҳисобланади. Ҳар хил турда ижтимоий онг мавжуд, булар — сиёсий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий ва ҳоказо.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онги унинг қонуни нормаларига муносабатидан, уларни қабул қилган хислатларидан, ўрнатилган қонунни қўллаш, унга риоя қилиш тушунчаларидан келиб чиқади.

Ҳуқуқий онг — шахслар томонидан давлат органлари орқали қабул қилинган қонун ҳужжатларини англаш, уларга риоя этиш, улардан онгли равишда ҳуқуқий муносабатга кириш жараёнида фойдаланиш қобилияти десак ҳам бўлади. Ҳар бир шахс у ёки бу ҳуқуқий муносабатга кирар экан, онгли равишда унинг оқибатини билади. У онгли равишда бу муносабатларни амалга оширади. Агар ҳуқуқий онг шахс руҳияти орқали қонуннинг туб маъносини тушуниб, уни қабул қилиш хусусиятини ўрната олган бўлса, ҳуқуқий маданият бу хусусиятни амалга ошириш жараёни бўлиб ҳисобланади. Агар ҳуқуқий онг билан ҳуқуқий маданият бир хил таъсир кучига эга бўлса, ҳуқуқбузарлик, қонунга риоя қилмаслик ёки бошқа ноҳақ ҳаракат амалга ошмайди. Лекин онг етарли даражада қонуний ҳужжатлар маъносини қабул қилсада, шахсда ҳуқуқий маданият паст бўлса, салбий оқибат рўй беради. Онгли, бир қарашда тарбияли деб танилган шахс, ҳар доим ҳуқуқий маданиятли

бўлмайди. Масалан, айрим ўқитувчилар ўз фанини мукамал билиши, дарсларни барбод қилмаслиги, онгли равишда ўқув юртида ўрнатилган қоидаларга риоя қилиш билан бир қаторда, ҳуқуқий маданиятсизлиги туфайли таъмагир, талабадан бирон бир нарса ундиришга, дала ҳовлисида текин ишлатишга ёки бошқа инсон ҳуқуқига путур етказадиган ҳаракатлар қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шахсларнинг ҳуқуқий онги, маданияти қанчалик юқори бўлса, шунча ҳуқуқий муносабатларда қонун-қоидалардан, ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиши осон бўлади.

“Темур тузуклари” да инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга қаратилган инсонпарварлик ғоялари ўтмишдаги давлагчилигимиз тараққиётида ҳам ўз ифодасини топган. Қадимий Сўғдиёна ва Хоразм давлатчилигидан тортиб, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатида инсон ҳуқуқлари юксак даражада эъзозланган. Бу давлатларнинг бошқарувида инсон ҳуқуқларига, ижтимоий адолатга, қонун устуворлигига қатъий амал қилинган.

«Тузуклар»да, энг аввало, демократик асосларда давлат тuzилиши, унинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, давлат ва кўшин тuzилиши, мазкур давлатнинг кўшни мамлакатлар билан бўлган муносабатлари ҳақида маълумотлар бор. Тузукларда инсон ҳуқуқлари қадрланиб, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган. Қонун олдида бой ҳам, камбағал ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг бўлиб, барчанинг ҳуқуқлари кафолатланган. Барча тоифадаги кишиларнинг давлат ишларида эркин фикр билдириши ва фаол иштирок этиш ҳуқуқи таъминланди.

Амир Темур ўз фуқароларини қайси миллатдан бўлишидан қатъий назар ҳимоя қилди ва уларга ғамхўрлик кўрсатди. Ўз давлатини «Куч адолатдадир» шиори асносида тuzди. Темур адолат бор жойда элнинг кўнгли тўқ, иши унумли, мамлакатнинг эртанги кuni эса порлоқ бўлишига имон келтирган. У

кишининг қўлларидаги узукда «Куч адолатда» деган битик бежиз ёзилмаган.

Амир Темур давлатида мусулмон ҳуқуқининг асосий қоидаларидан бири бўлмиш ва ҳозирда ҳам халқаро миқёсда қабул қилинган қоида, яъни “жиноят учун шахсий жавобгарлик” ка жиддий риоя қилинган, яъни жиноятчининг гуноҳи учун унинг қавми-қариндоши, оға-инилари, жиноятда иштирок этмаган ҳолда жавобгар бўлмаганлар, шуниндек, жиноятга қўл урган киши жазосиз қолдирилмаган. Амир Темур ушбу қоидадан давлат ҳуқуқ тизимининг асосий қоидаларидан бири, деб билган.

Амир Темур дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутди, уларнинг кўнглини огритмади ва бирон-бир талабларини рад этмади. У қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилди, камбағалларга нафақа бериб турди.

«Тузук»ларда савдогар, деҳқон, касб-ҳунар ва маърифат аҳлларининг ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинади. Деҳқонлар ҳуёусида ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан ҳам айрим кўрсатмалар берилган. «Деҳқонлар раъиятидан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин». Демак, давлат ўз фуқароларининг манфаатини тўла қаноатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берган экан.

Амир Темур фуқароларнинг таълим олишини яхшилаш чораларини ҳам кўрган. Бу ҳақда «Тузуклар»да шундай дейилади: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим». Дарҳақиқат, Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси эди. Темурийлар даври ренессанси (маданий уйғониш) ҳодисасига айли Ҳазрати Соҳибқирон томонидан пойдевор қўйилган.

«Тузуклар»да фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга эътибор берилган. Бунга кўра «бирорта ҳам аскарнинг доимий туриши учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ эди».

Амир Темур одил судлов юритишга ҳам алоҳида аҳамият берган: «Лашкарлар учун махсус қозий ва раъият учун алоҳида қозий тайинладим, ҳар мамлакатга шайхулислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин», деб таъкидлайди у Тузуқларида. Шунингдек, «шубҳали ва нияти бузук кишиларнинг айбашлари ҳамда туҳматлари билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қатъий ман этилган эди. Аммо бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига жазо бери- лар, ёки жарима солинарди». Шариатда қозиларга қаттиқ талаб қўйилган. Адолат талабига риоя қилмаган қозийлар Темур томонидан гуноҳига яраша жазоланган, адолатни таъминлашдаги хизматлари учун эса рағбатлантирилган.

Темурнинг фикрича, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинган давлатда адолатли бошқарув таъминланади. Фуқаролар ҳам давлатни ўз ҳимоячиси, таянчи деб ҳисоблайди ва қонунларга садоқат билан бўйсунди. Бу бутун давлат миқёсида тартиб-интизомни, тинчлик ва осойишталикни ҳамда фаровонликни таъминлаш асосини ташкил этади.

«Темур тузуқлари» қудратли, марказлашган давлат қуришда, инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Рус олими Логофет ёзганидек: «Оврупа ҳали конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлмаган даврларда Амир Темур давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси — Тузуқ мавжуд эди ва у амалда бўлган». Амир Темур шарқона демократияга, қонунга, урф-одатларга асосланган буюк давлат барпо қилиб, тарихда ўчмас из қолдирди.

Жамият ва шахс ҳақида тушунча

Шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги муаммо энг мураккаб ижтимоий масалалардан биридир. Кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан дунёда қудратли куч бўлган инсон вужудга келади.

Инсон жамоа таъсири жараёнида ўз шахсиятини шакллантира боради, яъни ижтимоий муносабатларда иштирок этади, меҳнат қилади, маданий бойликлар яратади ва ҳоказо.

Шахснинг инсон сифатида жамиятда тутган ўрни, инсоний хислатлари, қадриятлари ҳақида жуда қадимдан буюк мутафаккирлар, алломалар, донишмандлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар. Улар инсон дунёда чексиз ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ эканлигини ёқлаб чиққанлар. Масалан, Форобий фикрича, жамиятда яшовчи шахсларнинг ўзаро муносабати, уларнинг ижтимоий фаолиятлари, жамиятнинг ўзгариши, ривожланиши, бахт-саодатга эришиши жамоа аъзоси бўлган инсонларга боғлиқдир. Кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам инсон жамоасини келтириб чиқаради. Дарҳақиқат, ёруғ дунёда кишилар бир-бирларига ёрдам берсалар, тинч-тотув яшасалар ўзаро инсофли бўлсалар, бу жамиятда улар бахт-саодатга эришадилар. Форобий таъкидлаганидек, «Инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар, ... Натижада инсон жамоаси вужудга келди».*

Инсонларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атвори шахсда ўз ифодасини топади ва шу билан бирга жамиятда инсон у ёки бу ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиши натижасида шахсга айланади. Шахс дейилганда муайян ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган, ўзига хос интеллектуал, руҳий, иродавий, шахсий белги ва сифатларга эга бўлган инсон тушунилади. Фалсафий нуқтаи назардан шахс бир инсоннинг жамиятдаги ўрнини билдиради. Дунёда бир-бирига ўхшайдиган, лекин тамомила бир хил бўлмаган кишилар мавжуддир. Уларнинг алоҳида хусусиятлари ақлида, ҳис-туйғуларида, иродасида намоён бўлади. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жамиятга боғлиқ бўлади, шунингдек жамият тараққиёти ҳам шахснинг амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Масалан, ҳар бир АҚШ Президентининг тутган сиёсати, унинг обрўйи, давлатни бошқариши АҚШнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Бугунги кунда Ўрта Осиё худудида яшаб ўтган жуда кўп тарихий шахсларни ўрганмоқдамиз ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ҳаётга татбиқ этмоқдамиз.

Жамиятда шахсларнинг инсоний фазилатларга эга бўлиш-

* *Форобий ҳикматлари*. Фозил одамлар шахри.- Т., 1993.- Б.186.

лари, эркинликлардан фойдаланишлари, берилган мажбуриятларни бажаришлари уларни камолотга, етукликка олиб келади.

Шахнинг ҳуқуқий ҳолати

Жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар давлат пайдо бўлгандан сўнг асосан давлат ва шахсга нисбатан акс этади. Чунки давлат жамиятдан келиб чиқди. Шахнинг давлатдаги ҳолатини ҳуқуқий қоидалар билан мустаҳкамлаш натижасида янги тушунча — шахснинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси пайдо бўлади.

Демак, ҳали давлат пайдо бўлмаган жамиятда яшаган инсонлар урф-одат, расм-русум, анъаналар қоидалари асосида яшаганлар. Улар яшаш шароитида, юриш-туришида ушбу қоидаларга риоя қилганлар. Бу қоидалар авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Давлат пайдо бўлиши билан эса шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берадиган қоидалар давлатнинг қонуний ҳужжатларида акс эта бошлаган. Шахс ҳуқуқий ҳолатга эга бўлиши билан давлат ривожини, унинг тараққиётига улкан ҳисса қўшади.

Фуқаролик тушунчаси

Шахс давлат билан бўлган муносабатларда фуқаро сифатида иштирок этади. Фуқаро — бу бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси деган маънони билдиради. Юридик фанларда фуқаро жисмоний шахс деб юритилади. Қонунга кўра фуқаролар (Жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси — бу шахснинг давлат билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасидир, унинг ёрдами билан шахс қонунларда белгилаб қўйилган ҳамма ҳуқуқларга эга бўлади, давлат ҳимоясидан фойдаланади ва давлатга нисбатан жамики муайян бурчларини бажаради. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи асосий ҳужжат — паспортдир. Паспорт олингунга қадар эса туғилганлик тўғрисидаги гу-

воҳнома Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи асоси ҳужжат ҳисобланади.

«Чет эл фуқаролари» деганда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган дипломатик ва консуллик муассасаларининг ходимлари, ўқув юртларида билим олаётган шахслар, тажриба ўрганиш учун келган шахслар, қўшма корхона ташкил қилган ва унда ишлаётган чет эллик шахслар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек сайёҳлар тушунилади.

Булардан ташқари Ўзбекистон ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам яшайдилар. «Фуқаролиги бўлмаган шахслар» деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган Ўзбекистон фуқароси бўлмаган ва чет эл фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар тушунилади. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатларидан фарқи, уларнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдалана олмаслигида кўринади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг фуқароликнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Республикамиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон фуқаролиги ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасида ягона фуқаролик ўрнатилган. Ягона фуқароликнинг маъноси: биринчидан, давлатнинг ягоналиги, яхлитлигидир; иккинчидан, барча фуқаролар, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари бир хил сиёсий-ҳуқуқий мақомга эга, яъни Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланиб, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъектидир; учинчидан, Ўзбекистон ҳудудида фуқаролар тенг ҳуқуқли бўлиб, уларнинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Фуқароликнинг мазмуни

Фуқароликнинг мазмуни шахснинг республикага нисбатан ҳуқуқлари ва бурчларини ҳамда республиканинг шу шахсга нисбатан ҳуқуқлари ва бурчларини ўз ичига олади. Шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берадиган фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари деганда, ҳар бир фуқаро учун Ўзбеки-

стон Республикаси томонидан белгилаб берилган ва Конституцияда мустақамланган имкониятлар тушунилади.

Шу ўринда «хуқуқ» ва «эркинлик» сўзларининг маъносини билиб олиш лозим. Хуқуқ — бу давлат томонидан ўрнатилган, Конституция ва қонунларда белгиланган, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган кишиларнинг юриш-туриши қоидалари йигиндисидир. Эркинлик эса — бу инсоннинг объектив заруриятни англаш, ўз асосий мақсад ва манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидир. Асосий хуқуқ ва эркинлик даражаси жамиятнинг ижтимоий тузумига, ишлаб чиқариш воситаларининг кимнинг ихтиёрида эканлигига, халқнинг тобора ўсиб бораётган фаоллигига боғлиқдир. Фуқароларнинг асосий хуқуқ ва эркинликлари уларнинг дунёда еб-ичиши, кийиниши, уй-жойли бўлиши, меҳнат қилиши, оила қуриши, фарзандли бўлиши, ҳордиқ чиқариши, даволаниши, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириши жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Булардан фойдаланиш инсон ва фуқароларнинг объектив заруратини англаш асосида ўз мақсад ва манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидан келиб чиқади, унга хиёнат қилиш мумкин эмас. Бу ҳақда «Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 2-моддасида «ҳар бир инсон, бирор-бир айримачиликсиз, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ёки бошқа ижтимоий келиб чиқишидан, мулкӣ аҳволи, қайси табақага мансублиги ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар барча хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши шарт», деб баён этилган.

Фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг асосий тамойиллари

Фуқаролар ўз хуқуқ ва эркинликларидан тўғри фойдаланишлари ва зиммаларига юклатилган бурчларни ҳалол, ихтиёрий ва виждонан бажаришлари лозим. Булар эса маълум бир қоидалар — тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу тамойилларга қонунийлик, тенг хуқуқчилик, шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг уйғунлашганлиги, хуқуқ ва бурчларнинг бирлиги тамойиллари киради.

Қонунийлик тамойили. Сизга маълумки, қонунийлик барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томони-

дан Ўзбекистон Конституцияси, республика қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва аниқсиз бажарилишида ўз ифодасини топади. Қонунийлик бу ҳаммаша ҳуқуққа асосланган барқарорликдир. Қонунийлик ишонч туғдиради, қонуннинг адолатлилиги унинг инсон ва жамият мустақиллиги эҳтиёжларига мослигидан келиб чиқади.

Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили. Тенг ҳуқуқлилиқ республика фуқароси ҳуқуқий мақомининг асосий хусусиятидир. У ҳамма фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларининг тенглигини билдиради. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Бу тенгликнинг асосий талаби — қонуннинг ҳамма учун бир хилда бўлиши ва ҳар бир кимсага нисбатан бир хил кучга эга бўлишидир.

Республикамиз фуқаролари қонун ва суд олдида ҳам тенгдирлар. Бу қоида демократик қоидадир. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойилини ҳаётга татбиқ этиш бутун жамият аъзолари ягона қонунлар тизимига итоат этишлари, ҳуқуқий қоидаларга сўзсиз риоя қилишлари ва уларни бажаришлари, ҳар бир фуқаро қонунни бузишдан ўзини тийиши шартлигини аниқлатади.

Шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг уйғунлаштирилганлиги тамойили. Ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўла ва ҳар томонлама амалга оширилишидан нафақат фуқароларнинг ўзлари, балки давлат ҳам манфаатдордир.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан кенг фойдаланишлари уларнинг фаоллигини оширади ва давлат олдида турган вазифаларнинг бажарилишини осонлаштиради. Фуқаролик жамиятида фуқаролар манфаатларининг аниқланиши, бу манфаатларнинг давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиши — унинг бошқа кимсалар томонидан поймол этилишига йўл қўймаслигидир. Жуда кўп ҳолларда фуқаролар ўз ҳуқуқларини давлат органларининг аралашувисиз амалга оширадилар. Лекин фуқаронинг ҳуқуқи бузилса, у албатта суд томонидан ҳимоя қилинади. Чун-

ки шахсий манфаатга тўсқинлик қилиш пировард натижада ижтимоий манфаатга тўсқинлик қилишга олиб келади. Фуқаролар қанчалик ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан кенг фойдалансалар, улар шунчалик жамиятдаги мавжуд бўлган иллатларга қарши кескин кураша оладилар.

Фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларининг бирлиги тамойили. Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва умуминсоният олдидаги бурчи ва масъулияти ҳам мавжуддир. Демократик давлатда истиқомат қилувчи фуқаролар жамият тақдирини учун масъулиятни ҳис қилмоқлари лозим. Асосий ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчлар давлат билан шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий шаклидир. Давлат ўз ихтиёридаги барча воситалар билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга оширилишини ва бурчларининг бажарилишини таъминлайди. Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига давлатнинг муайян бурчлари мувофиқ келади. Масалан, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига, давлатнинг қонунларида белгилаб қўйилган ҳалол меҳнат қилиш бурчи мувофиқ келади. Кўриниб турибдики, ҳуқуқ ва бурчларнинг бирлиги таъминланмоқда.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинлик тушунчаси

Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари дейилганда, унинг қайси давлат фуқаролигига мансублигидан қатъий назар, у туғилиши билан эга бўладиган табиий, бироқ бошқа шахсга ўтказиб бўлмайдиган ҳуқуқ ва эркинликларнинг йиғиндиси тушунилади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар — инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари бўлиб, унинг ҳаёти, соғлиги, ор-номуси, шаъни, обрўси, кадр-қимматини таъминлашга қаратилгандир.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан қонунларда белгилаб берилмайди. Уларга ҳар бир киши туғилиши билан эга бўлади, шунинг учун бу ҳуқуқ ва эркинликларни инсондан ажратиб бошқага ўтказиб олиб бериб бўлмайди. Давлат, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини таъминлайди, ҳимоя қилади ва кафолатлайди. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга тегишли бўлган бошқа ҳуқуқ ва эркин-

ликлардан устувор туради ва улар муқаддас ҳисобланади. Шунинг учун бу ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамловчи ҳуқуқий асослар Конституцияда биринчи навбатда берилган. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар кишининг, табиатнинг олий неъматини — инсон сифатида ақл-заковатга эга эканлиги, унда ҳеч бир жонзодда бўлмаган ҳис-туйғу мавжудлиги, меҳр-оқибатли бўла олишлиги каби хислатларнинг мужассамлашганлиги натижасида вужудга келади.

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас табиий ҳуқуқлар ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан ифодаланади.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг турлари

Шахсий ҳуқуқлар

Яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, шахсий эркинлик ҳуқуқи, қонун томонидан тенг муҳофаза этилиш ҳуқуқи, ўзининг ва яқин кишиларининг ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи, айбсиз деб ҳисоблаш ҳуқуқи, одил судлов ва суд ҳимояси ҳуқуқи, турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқи, эркин кўчиб юриш ва турар-жой танлаш ҳуқуқи, эркин ўз давлатидан чиқиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқидан иборат.

Шахсий эркинликлар

Фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, дин (эътиқод) эркинлигидан иборат.

Сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси

Сиёсий ҳуқуқлар шахсий ҳуқуқлар сингари инсоннинг туғилиши билан пайдо бўлмай, шахснинг фуқаролиги натижасида фойдаланиши мумкин бўладиган ҳуқуқлардир. Агар шахс фуқаро бўлмаса, яъни маълум бир давлатга ҳуқуқий мансуб бўлмаса, сиёсий ҳуқуқлардан фойдалана олмайди.

Сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш орқали фуқаролар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этади, аниқроғи, давлат органларини тузишда, депутатлар сайлашда, мансабдор шахсларни сайлашда, уларнинг фаолиятини назорат қилишда, муҳим қонун ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқишда, давлатнинг иқтисодий, сиёсий фаолиятини белгилашда бевосита иштирок этади.

Сиёсий ҳуқуқларнинг турлари

Сайлов ҳуқуқи, референдумда иштирок этиш ҳуқуқи, умум-халқ муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқи, митинглар, йиғилишлар ва намойишларда иштирок этиш ҳуқуқи, жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар)га бирлашиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи, ваколатли давлат органларига, муассасаларга, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқидан иборат.

Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар

Инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари унинг яшашини таъминлашга, турмуш тарзини яхшилашга, соғлиғини тиклашга, билимини оширишга, маънавий ва маданий эҳтиёжини қондиришга қаратилгандир.

Шахсларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари — муайян жамиятда инсоннинг иқтисодий соҳадаги юридик имкониятларини аниқловчи конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндисидир. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳисобланган шахсий ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсонларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган бўлиб, улар давлат томонидан ҳимоя қилинади ва кафолатланади.

Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларнинг турлари

Хусусий мулк ҳуқуқи, ворислик (мерос) ҳуқуқи, тadbиркорлик фаолиятининг эркинлиги, корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, касб танлаш эркинлиги, меҳнат эркинлиги, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқидан иборат.

Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар

Инсон ҳуқуқларининг яна бир йўналиши бу ижтимоий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликлардир. Улар ҳам инсоннинг ишлаши, унинг камол топиши учун жуда муҳим бўлиб, давлатнинг олиб бораётган сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар бир жамиятда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар у ёки бу ҳажмда мавжуд бўлади. Чунки инсонлар дунёга келиши билан ўз ҳаётини давом эттириши, яшаши учун маълум даражада ўзининг моддий, маънавий эҳтиёжини қондириши зарур.

Шахсларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари деб, шахсга маълум шароитда давлатдан муайян моддий ёрдам олиш имконини берадиган инсоннинг (ёки давлат фуқаросининг) конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг йиғиндисига айтилади.

Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларнинг турлари

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи, турар-жой ҳуқуқи, ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, ижтимоий сугурта ҳуқуқидан иборат.

Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X боби “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари” деб аталади. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ҳуқуқ ва эркинликларга кафолат бериш ана шу ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллик қилинишини таъминлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни бузилишлардан ҳимоя қилиш демакдир.

* * *

- Биронта шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказилса, у мансабдор шахс ёки раҳбар, давлат арбоби устидан шикоят қилиши мумкинлиги Конституциянинг 44-моддасида белгилаб қўйилган.

- Ҳар бир фуқаро давлат органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари ҳар қандай мансабдор шахсларининг айби билан ўз ҳуқуқи, манфаати, эркинлигига зарар етказган деб ҳисобласа шикоят билан судга мурожат қилиш ҳуқуқига эга.

- Инсонга туҳмат қилиш, уни ҳақорат қилиш жиноят ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар учун тегишли тартибда жазо белгиланган.

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-модда-
сида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”
дейилган. 2-моддада давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг
манфаатларига хизмат қилиши таъкидланади.

- “Фуқаролар муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-
публикаси қонунда: “Аризалар, таклифлар ва шикоятлар
қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқили-
ши шарт”, дейилган.

Қонун фуқароларга якка тартибда ёки жамоа бўлиб, таш-
килотлар раҳбар ходимларига, мансабдор шахсларга оғзаки ёки
ёзма шаклда таклиф, ариза ёки шикоят қилишлари мумкин-
лигини билдиради. Бу ҳуқуқ республика фуқароси бўлмаган
шахсларга ҳам берилади. Юқорида кўрсатилган қонун фуқаро-
ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг так-
лиф ва аризаларини кўриб чиқиш кафолати бўла олади.

-Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-модда-
си ҳар бир фуқаронинг билим олиш ҳуқуқини мустаҳкамлай-
ди ва бепул умумий таълим олишни кафолатлайди, мактаб
иши давлат назоратида бўлишини таъкидлайди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошишини назорат қилувчи муассасалар


Ҳар бир мамлакатда яшовчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркин-
ликлари Конституция ва у асосида қабул қилинган қонун ва
бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилади ҳамда улар-
нинг амалга ошиши маълум воситалар орқали назорат қилиб
борилади. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошишини назо-
рат қилиш — ҳар бир кишининг ҳуқуқ эркинликларига турли
тажовулар бўлишининг олдини олади ҳамда уларни тиклаш
имкониятини туғдиради.

Ҳар қандай давлат инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини
қонун асосида белгилаб қўйишига қарамасдан, турли соҳа-
ларда ҳуқуқ бузилишлари бўлиб турганидек, инсон ҳуқуқ ва
эркинликларида ҳам бузилиш ҳоллари учраб туради. Чунончи,
шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари айрим шахслар, давлат
органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан бузилиши мум-
кин. Бунинг сабаблари турлича бўлади. Масалан, бир киши

ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб бошқа кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошишига тўсқинлик қилади ва ҳоказо.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳар қандай сабаблар билан бузилишига йўл қўймаслик, агарда улар бузилгудек бўлса, уларни тиклаш учун алоҳида муассасаларнинг бўлиши албатта зарурдир.

Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошишини назорат қилувчи муассасалар вазифаси, ваколати ҳамда иш юритиш шаклига қараб бир неча гуруҳга бўлиниши мумкин. Аввало улар халқаро муассасаларга ва ҳар бир мамлакатда ташкил қилинадиган, яъни миллий муассасаларга бўлинади.



Хуқуқий билимларни тарғиб қилиш ва хуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методик ишланмаси

“Хуқуқингизни биласизми” номли викторина

Ўйин шarti

Қатнашувчилар: Бошловчи, 2 та гуруҳ (6 киши), ҳакамлар ҳайъати (5 киши).

Жиҳозлар: плакатлар, шиорлар, 2 та кўнғироқ, қум соат.

Ўйин саволлар ва кроссворд ечимидан иборат бўлади.

Ўйин бошловчиси 1-саволни ўқийди. Жавобни топган гуруҳ кўнғироқни чалади. Тўғри жавоблар учун 5 балл берилади. Жавобни топиш учун 2 дақиқа вақт берилади. Дақиқани билиш учун қум соатдан фойдаланилади.

Викторина саволлари

1. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар ҳақида нималарни биласиз?

(Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатлар хуқуқий куч-қудрати жиҳатидан уч турга бўлинади: халқаро, минтақавий, миллий ҳужжатлар. Халқаро ҳужжатларга БМТ устави, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт ва бошқалар.

БМТ Устави илк маротаба инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида давлатларнинг биргаликда, муштарак ҳаракат қилиш тамойилларини мустаҳкамлаган ҳужжатдир. Устав 1945 йил 16 июнда Сан-Франциско таъсис конференцияси қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан қабул қилиниб, ўша йили 24 октябрда кучга кирган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси — бу халқаро хуқуқий ҳужжат 1948 йил 10 декабрда БМТга аъзо бўлган давлатлар томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқларини халқаро миқёсда мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган).

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Устави, Декларация, Хал-

қаро пактлардан сўнг минтақавий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ушбу ҳужжатлар ҳақида нималарни биласиз?

(Минтақавий ҳужжатлар инсон ҳуқуқларини ҳамжиҳатликда амалга ошириш мақсадларини намоён этиш жиҳатидан халқаро аҳамият касб этади. Чунки бу ҳужжатларни нафақат минтақада, балки, ундан ташқаридаги давлатлар ҳам тан олади. Ана шундай ҳужжатлардан бири 1950 йил 4 ноябрда қабул қилиниб, 1953 йилда кучга кирган “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа Конвенцияси”дир.

Минтақавий ҳужжатлардан яна бири – Европа ијтимоий Хартиясидир. Бу ҳужжат 1961 йил 18 ноябрда қабул қилинган, 1965 йилда кучга кирган.

1975 йил 1 августда Хельсинкида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг якуний акти қабул қилинди. Унда қатнашувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек, фикр, виждон, эътиқод эркинлигини ҳурмат қилиш мажбуриятларини оладилар.

Халқлар ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка Хартияси 1981 йил июль ойида қабул қилиниб, 1988 йил январда кучга кирган).

3. Республикамизнинг инсон ҳуқуқларини кафолатловчи энг асосий қонунни қайси?

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси).

4. Инсон ҳуқуқларига доир Ўзбекистоннинг қандай ҳуқуқий ҳужжатларини биласиз?

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Меҳнат, Оила, Солиқ, Жиноят кодекслари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», “Фуқароларнинг мурожатлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунлари ва бошқалар).

5. Эркинлик нима? Ҳуқуқ нима?

(Ҳуқуқ - бу давлат томонидан ўрнатилган, Конституция ва қонунларда белгиланган, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган кишиларнинг юриш-туриш қоидалари йиғиндисидир. Эркинлик эса

– бу инсоннинг объектив заруриятини англаш, ўз асосий мақсад ва манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш қобилиятидир).

6. Ўзбекистон Республикасида қандай фуқаролик ўрнатилган?

(Республикамизда ягона фуқаролик ўрнатилган).

7. Ўзбекистон фуқаролари неча ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга? *(18 ёшдан).*

8. “Шахснинг турар-жойи дахлсиздир” деганда нимани тушунаси?

(Ҳеч ким одамларнинг доимий ёки вақтинчалик яшаш учун мўлжалланган уйига, уларнинг иродасига қарши, агар бунга қонуний асос бўлмаса, киришга ҳаққи йўқдир. Бу ҳуқуққа ётоқхоналарда, меҳмонхоналарда яшовчилар, квартирани, хонани, уй-эсой қисмини ижарага олиб яшаётган шахслар ҳам эгадирлар).

9. Қонунга кўра неча ёшдан ишга қабул қилишга йўл кўйилади?

(Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл кўйилади. Ун беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши, 14 ёшга тўлган ўқувчилар ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчилар розилиги билан ёзги таътилларида, ўқишдан бўш вақтларида ишга қабул қилинишлари мумкин).

10. 18 ёшга тўлмаган ходимларнинг иш вақтини аниқланг? *(Ҳафтасига 36 соат).*


11. «Ҳуқуқшунослик» кроссворди (кроссворд саволларнинг охирида берилган).

12. Сизларга маълумки мамлакатимизда Омбудсман институти фаолият юритади. Ҳуқуқий адабиётларда Омбудсман тушунчасига таъриф берилиб, жумладан шундай дейилади: “Омбудсман инсон ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилади. Агар прокуратура органлари инсон ҳуқуқларига амал қилинишини фақат қонун асосида назорат қилса, Омбудсманлар мақсадга мувофиқлик, виждонлилик, адолат нуқтаи назаридан назорат қилади”.

Сиз ушбу таърифни қандай англашингизни биронта мисол билан тушунтиринг.

(Омбудсман фаолиятининг адолат нуқтаи назаридан назорат қилади тушунчасига мисол келтирамиз.

Тунги сменада 2 та ишчилар гуруҳи алоҳида сменада ишлайди. Улар иш фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларнинг байрам кунлари ҳам ишлашига тўғри келади. Агарда 1-гуруҳнинг иш кунлари доимо байрам кунларига тўғри келсаю, 2-гуруҳнинг иш кунлари эса ҳар байрам дам олиш кунига тўғри келса, ушбу ҳолатда ижтимоий адолат мезони бузилган ҳисобланади).



Қуйидаги саволларга тўғри жавоб топсангиз, улар ҳуқуқшунослик сўзи билан кесипади.

1. Мамлакатда давлатни бевосита бошқариб турувчи, фармон берувчи ва ижро этувчи олий орган. (*ҳукумат*)
2. Фуқароларнинг даъволарига оид ёки жиноий ишларни кўриб, тегишли ҳукм чиқарувчи давлат органи. (*суд*)
3. Бирор мамлакат ёки давлат аҳолиси. (*халқ*)
4. Давлат тузумининг шаклларида бири. (*унитар*)
5. Жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, нормалар мажмуи. (*ҳуқуқ*)
6. Жамиятдаги алоҳида бир киши, одам. (*шахс*)

7. Давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар юзасидан умумхалқ фикрини олиш. (*референдум*)

8. Эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш. (*никоҳ*)

9. Бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси. (*фуқаро*)

10. Овоз бериш йўли билан давлат ва жамоат органлари аъзолигига тайинлаш. (*сайлов*)

11. Муассаса, ташкилот номидан иш кўришга ваколатли бўлган шахс. (*вакил*)

12. Давлат учун алоҳида мавқега эга шахсларга қонуннинг баъзи моддаларини истисно қилиш. (*иммунитет*)

13. Мавжуд барча қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг йиғиндиси. (*қонунчилик*)

Тематик-бадий кеча

1-бошловчи: Ассалому алайкум, кечамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар!

2-бошловчи: Ассалому алайкум, давраимизнинг каттаю кичиги, узоқ ва яқиндан ташриф буюрган азиз китобхонлар, кечамизга хуш келибсизлар!

1-бошловчи: Бугунги кечамиз 10 декабрь инсон ҳуқуқлари куни муносабати билан тайёрланган. Инсон ҳуқуқлари муаммоси бугунги кунда жамият олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Айти унинг таъминлангани билан давлатда мавжуд бўлган демократия даражаси ўлчанади. Зеро, Инсон ҳуқуқлари муайян бир мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш сиёсатининг ўзига хос барометридир. Унинг таъминланиши эса жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади.

2-бошловчи: 1948 йилда БМТ нинг Бош Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини тасдиқлади ва эълон қилди.

Инсониятга азоб-уқубат, кулфатлар келтирадиган уруш офатларидан келгуси авлодларни халос этиш, инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳурмат қилинишини таъминлаш БМТ фаолиятининг асосий мақсадига айланди.

1-бошловчи: Декларация БМТга аъзо бўлган давлатлар томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқларини халқаро миқёсда мустақамлаш мақсадида қабул қилинди. Декларация халқаро ҳуқуқ

меъёрлари сирасида инсон ҳуқуқлари устун бўладиган, улуғ- ланадиган ҳуқуқий муҳитни яратишга қаратилгандир. Ушбу ҳужжатда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қадрлаш барча ҳалқлар ва барча давлатларнинг муштарак бурчидир, деган тамойил устувордир. Декларация инсон ҳуқуқлари ва эркин- ликларини олий қадрият сифатида баён этиб, уни эъозлаш ва ҳурмат қилишдек инсонпарвар ғоялар билан суғорилган. Шуниндек, инсон ҳуқуқларига оид юксак умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда бой тажрибаларни ифода этади.

2-бошловчи: Биз бугунги кечамизга ҳуқуқ соҳасида хизмат қилаётган мутахассисларни ҳам таклиф этганмиз. Келинг, сўз учун навбатни улардан бири, ҳуқуқшунос _____ - _____ га берамиз. Улар халқаро миқёсда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берадилар. Марҳамат!

Ҳуқуқшуноснинг чиқиши.

1-бошловчи: Қизиқарли маълумотларингиз учун раҳмат.

2-бошловчи: Катта раҳмат. Эндиги навбатни кечамизга таш- риф буюрган хонандага берсак-да, улар ижросида _____ - _____ кўшиғини тингласак. Марҳамат!

Хонанданинг ижроси.

2-бошловчи: Раҳмат. Овозингизга овоз, истеъдодингизга ис- теъдод қўшилаверсин.

1-бошловчи: Барчамиз яхши биламизки, Республикамизда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини кафолотловчи Асосий қонун бу Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Ушбу ҳужжатни ҳеч муболағасиз ўзбек миллий давлатчилиги тари- хидаги энг ёрқин саҳифадир деб айтиш мумкин. Конституция- мизда мустақил давлатимизнинг қиёфаси, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзига хос хусусиятлари ифодалаб берилган.

2-бошловчи: Конституция ўзида инсон ҳуқуқлари Умумжа- ҳон Декларациясинининг деярли асосий қоидалари: инсон ҳаёти, шахсияти ва эркинлиги дахлсизлигини қамраб олган. Конституцияда мустақамланган асосий ҳуқуқ ва эркин- ликлар ирқи, жинси, миллати, келиб чиқишидан қатъий назар ҳар бир фуқарога таллуқли бўлиб, барча учун тенг ва баробардир.

1-бошловчи: Келинг навбатни коллежимиз талабаси ҳуқуқшунослик бўйича фанлар олимпиадасида совринли ўринни эгалаган _____ га берсак. Улар бизга Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган боб ва ундаги моддалар ҳақида батафсил гапириб берсалар. Марҳамат!

Талабанинг чиқиши:

2-бошловчи: Раҳмат. Келгуси ўқиш ва ишларингизга омад тилаймиз. Ҳуқуқий билимларингиз бундан ҳам зиёда ва мукамал бўлиб бораверсин.

1-бошловчи: Мана ниҳоят энг қизиқарли дақиқаларга ҳам етиб келдик. Биз бугунги кечамизда томашабинлар билан ҳуқуқ билимдонлари ўйинини ўтказишни аҳд қилганмиз. Унинг шарҳлари билан таништирсак. Марҳамат.

Томашабинларга ҳуқуқ соҳаси бўйича 3 тадан 5 тагача саволлар берилади. Тўғри жавоб берган томышабин кеча ташкилотчиси ёки ҳомий ташкилот вакилидан севга олади.

Саволлар сценарий охирида берилган.

2-бошловчи: Истиқлол шарофати билан жаҳондаги кўплаб ривожланган демократик мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам инсон ҳуқуқлари масалалари билан бевосита шугулланувчи миллий институтлар: Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маркази ташкил этилган.

1-бошловчи: Бугунги кечамизга юридик олий ўқув юрти магистрантини таклиф этганмиз. Улар бизга юқорида тилга олинган муассасаларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида сўзлаб берадилар. Марҳамат.

Магистрантнинг чиқиши.

2-бошловчи: Катта раҳмат. Келажакдаги фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.

1-бошловчи: Мана бугунги кечамиз ҳам ўз поёнига етиб қолди. Албатта, бир тadbир доирасида инсон ҳуқуқларига оид барча янгилик, ахборот ва маълумотлардан бохабар этиш, таништириш қийин.

2-бошловчи: Азизлар, агарда кечамиз давомида ўз ҳақ-

ҳуқуқларингиз тўғрисида янги маълумотлар олган бўлсангиз, кеча сизларнинг ҳуқуқий маданиятингизнинг ошишига ёрдам берган бўлса, кеча ташкилотчилари ўз мақсадларига эришган деб ҳисоблардилар.

1-бошловчи: Шундай қилиб бугунги кечамиз ўз якунига етди. Кейинги яна шу каби тадбирларда учрашгунча хайр. Соғомон бўлинглар.

Ҳуқуқ билимдонлари учун саволлар

1. Биз ҳаётимизда кўпинча юридик атама ва ибораларга дуч келамиз. Уларнинг маъно-моҳиятини доим ҳам биларми-канмиз. Адвокат бу?

(Суд жараёнида ҳимоячи вазифасини бажарувчи шахс)

2. Ҳуқуқ-тартибот органларини санаб беринг?

(Суд, прокуратура, арбитраж, милиция, адвокатура)

3. Сиз газета сотиб оласиз, автобусга ўтирасиз, дўстингизга совға берасиз. Ушбу муносабатлар қайси кодекс билан тартибга солинади?

(Фуқаро ҳуқуқининг асосий қонуни ҳисобланган “Фуқаролик кодекси” билан тартибга солинади)

4. Детектив жанри ижодкорларидан кимларни биласиз? Уларнинг асарларидан биттадан номини келтиринг

(Улар: Агата Кристи, Жорж Сименон, Артур Конан Дойл, Тоҳир Малик, Нуриддин Исмоилов. Асарлари: 1.Эркул Пуарро. 2.Коммисар Мегре.3.Шерлок Холмс. 4.Шайтанат. 5. Миллионерга қўйилган тузоқ).

Савол жавоб кечаси

Кутубхона, АКМ ва АРМларда 10 декабрь инсон ҳуқуқлари куни муносабати билан савол жавоб кечасини уюштириш мумкин. Ушбу кечага ҳуқуқшунослар таклиф этилади. Кечани “Ҳуқуқшунос жавоб беради” номи билан ташкил этиш мумкин.

Китобхонларни кечанинг мавзуси билан аввалдан хабардор этилади. Кечанинг мавзусига китобхонлар эътиборини тортиш ва уни ёритиб бериш мақсадида кечага тайёрланиш давомида китоб кўргазмаси ташкил этилади ёки кутубхона плакати тайёрланади; китоблар фаол тавсия этилади, суҳбатлар ўтқа-

зилади, якка тартибда маслаҳатлар берилади; таклифнома-лар юборилади. Тадбир ўтказишдан олдин унинг мавзуси бўйича китобхонларнинг саволлари тўлланади, сўнгра улар тизим-лаштирилади.

Кечани бошловчи қисқача кириш сўзи билан очади. Сўнгра йиғилган ҳуқуқ соҳаси мутахассисларига биринчи савол бери-лади ва ҳуқуқшуносларнинг жавоби тингланади. Бошловчи ҳар бир савол бўйича билдирилган фикрларни умумлаштира-ди ва қисқача хулосалайди. Сўнг бошловчи муҳокама давомида тингловчиларда янги саволлар пайдо бўлди-ми-йўқми аниқ-лаштиради. Агарда саволлар бўлса, ҳар бир саволга юқоридаги каби жавоб бериш жараёни қайтарилади.

“Ҳуқуқий маърифат булоғи” номли китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

1. Мозийдан сало

Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг,
ўзингдан аввалгилардан ибрат ол.
“*Ҳикматлар хазинаси*” дан

Бу бўлимдан инсонларнинг муштарак манфаатларини кўзлайдиган “Авесто”, “Қуръони Карим”, Ҳадис, Темур ту-зуклари” каби китоблар жой олади.

2. Ўзбекистон Республикаси-суверен демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида

Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу- мустақил, де-мокрatik, ҳуқуқий давлатдир. Бу-инсонпарварлик қоида-ларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган дав-латдир.

И.А.Каримов

Бу бўлимдан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқароларнинг манфаатларини ифодаловчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари жой олади.

3. Ҳуқуқ оламида

Мақсад эмас , балки унга етишиш воситалари ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Арасту

Бу бўлимга мамлакатимизда чоп этилаётган ҳуқуқ соҳасига оид газета ва журналлар жойлаштирилади.

Адабиётлар

Аҳмедов Р., Сагтаров А. Ўзбекистон: Инсон ҳуқуқлари ва қонунлар.-Т.: Адолат, 1999.-176 б.

Ибратов Б. Хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқ ва бурчлари /ЎзР Адлия вазирлиги, ТДЮИ, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази.-Т.: Адолат, 2001.-32 б.

Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси: Ўқув қўлланма /З.М.Исломов; ЎзР Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик ин-ти.-Т.: ТДЮИ, 2004.-140 б.

Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт; Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол.-Т.: Адолат, 1992.-64 б.

Инсон ҳуқуқлари: Махсус курс / О.Хусанов, О.Каримова, Х.Азизов ва бошқ.; Масъул муҳаррир О.Хусанов.-Т.:Шарқ, 1997.-144 б.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси: Бирлашган Миллатлар Ташқилоти /Инсон ҳуқуқлари бўйича ЎзР Миллий маркази, БМТнинг ЎзР Ваколатхонаси.-Т., 1998.-49 б.

Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-48 б.

Каримов О. Ҳуқуқшунослик: Касб-ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма.-Т.: Шарқ., 2002.-160 б.

Пўлатова Б. Инсонийлик ва инсон ҳуқуқлари: Услубий қўлланма.-Т.: Адолат, 1999.-112 б.

Саидов А. Шарқ цивилизацияси: Инсон ва ҳуқуқ: ўтмиш ва ҳозирги замон /А. Х. Саидов, А. Ш. Жузжоний; ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази.-Т.: Адолат, 2005.-272 б.

Топилдиев В. Рим ҳуқуқи /ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек ном.ЎЗМУ.-Т., 2006.-184 б.

Ҳақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф: Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар /Гўлловчи ва тарж., С. Жўраева.-Т.: Янги аср авлоди, 2002.-371 б.

Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар: Манба, тил, маъно, ҳозирги ўзбек тилидаги қўлланилиши ва изоҳи /Тузувчилар: Х.Бектемиров, Х.Холмедов, С.Содиқов. Т.: Адолат, 1999.-66 б.

Холиқова.Ҳуқуқшунослик кроссворди /Бир сафда.-2003.-№.-6.-6.29

Бақоева Ф. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси энг муҳим масала //Ишонч.-2006.-7 нояб.

Жузжоний Абдулҳаким. Мухтасиб (Омбудсман) институти //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2005.-№1.-Б.32-37.

Муҳамедов Х.Айбсизлик презумпцияси //Ҳуқуқ ва бурч.-2006.-№10-12.- Б.58-59.

Мухторов Н. Инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг янги шакли //Ҳуқуқ оламида.-2007-21 июнь.

Омбудсман – Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили /Ахборот-ҳуқуқ бўлими //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2003.-№2.-Б.17

Рашидова С. Омбудсман фаолияти //Ҳуқуқ ва бурч.-2007.-№1-2.-Б.48-50.

Раҳмонов А. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси: бу борада ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти //Ҳаёт ва қонун.-2004.-№2.-Б.43-44.

Саидов А. Инсон ҳуқуқлари: миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги // Ҳуқуқ ва бурч.-2007.-№1-2.-Б.51-54.

Сарабеков А. Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар // Ҳуқуқ ва бурч.-2006.-№10-12.-Б.45-46.

Собирова С. Инсон ҳуқуқлари – демократия барометри //Миллий тикланиш.-2007.-27 июнь.

Суёнов Б. Инсон ҳуқуқлари маълумотномаси //Инсон ва қонун.-2003.-24 июнь.

Тошлонов Т. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида умумбашарий қадриятлар //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2003.-№2.-Б.18-20.

Тўраев Д. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг амалга ошиши //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2005.-№2.-Б.20-22.

Чориев А. Қадриятлар – миллий давлатчилигимиз сарчашмаси // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2003.-№ 4.-Б.8-13.

Шоабдурахмонов Ш. Омбудсман институтининг тарихи ва моҳияти //Тошкент оқшоми.-2005.-6 окт.

Ҳабибуллаева С. Ҳимоя ҳуқуқи //Инсон ва қонун.-2004.-23 март.

Юсупова Н. Эркак ва аёл: «тенглик тушунчаси тенг ҳуқуқлилик эмас» //Ҳуқуқ.-2004.-№2.-Б.86-87.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Методик — библиографик қўлланма

Муҳаррир *Ҳ.Маматраимова*
Масъул муҳаррир *О.Қиличбоев*
Бадий муҳаррир *А. Турсунов*
Техник муҳаррир *Р. Исакулов*
Матн терувчи *З.Жалилова*

Босишга рухсат этилди 26.12.2007 Бичими 60x84₁/16.
Ҳажми 2,5 б.т. Нусхаси 300
Буюртма 160

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
100033, Тошкент шаҳри, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33.